

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2017
ФЕВРАЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, М.АБДУОЛИМОВА

Гиперболик турдаги тенглама учун силжишли чегаравий масала ечимининг ягона эмаслиги ҳақида 5

А.ЮСУПОВА

Олий математика фани бўйича оралиқ назоратларни тест шаклида ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.РАСУЛОВ, М.МАМАТОВА, А.ЗОКИРОВ, И.ЭШБОЛТАЕВ

Электронларнинг гетероструктура потенциал тўсиғи орқали ўтишларида резонансли туннелланиши 13

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ, И.ТУРДИБОЕВ

Том ёпқи махсулотлари ишлаб чиқариш муаммолари ва истиқболлари 16

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

П.БАРАТОВ, Н.СУЛТАНОВА

Тоғли Зарафшон водийсининг геоморфологик хусусиятлари ва террасалари 19

М.НАЗАРОВ, Р.АКБАРОВ

Тупроқни бойитишда биотик чиқиндилардан фойдаланишнинг ўсимликлар ҳосилдорлигига таъсири 24

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.АБДУЛЛАЕВ

Фалсафа фанининг долзарб муаммолари 29

Р.АРСЛОНЗОДА

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги замон архив тизими 34

К.РАХИМОВ

Сополли маданияти металл эритиш хумдонлари 39

А.АБДУМАЛИКОВ

Фуқаролик жамиятини қуришда ахборот маданиятини шакллантиришнинг ўрни ва аҳамияти 44

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.САБИРДИНОВ, Д.КОМИЛОВА

Чўлпон ҳикояларида миллийлик 46

Г.МУҲАММАДЖОНОВА

Ижодкор образи талқини: муштараклик ва ўзига хослик (А.Қаҳҳорнинг “Сароб” ва Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романлари мисолида) 49

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ҚАЛАНДАРОВ

Эвфемик маъно лисоний ва нолисоний омиллар қуршовида 53

УДК: 8-1/9

ЧЎЛПОН ҲИКОЯЛАРИДА МИЛЛИЙЛИК

А.Сабирдинов, Д.Комилова

Аннотация

Мақолада Чўлпоннинг миллий қиёфа ва характерлар яратишдаги ўзига хос услуби ҳикоялари таҳлили мисолида ёритиб берилган. Бадиий деталлардан фойдаланишдаги ёзувчи маҳоратли қирралари ёритилган.

Аннотация

На основе анализа рассказов раскрывается своеобразный стиль в создании национального облика и характеров. Освещаются грани мастерства в использовании художественных деталей.

Annotation

In this article the particular style of Chulpan in creating national images and characters was highlighted with the examples of story analyses. It was mentioned The great competence of the writer in using literary elements was widely opened

Таянч сўз ва иборалар: ҳикоя, миллийлик, услуб, ғоя, давр, жанр хусусиятлари, ғоявий ният, бадиий деталь, характер ва қиёфа, адабий муҳит.

Ключевые слова и выражения: рассказ, национальное своеобразие, стиль, идея, эпоха, особенности жанра, идейный замысел, художественная деталь, характер ва облик, литературная среда.

Key words and word expressions: story, nationality, style, concept, period, genre, features of genre, conceptual intent, literary elements, image and character, literary setting.

Улуғ француз ёзувчиси, шоир ва драматург, романтизмнинг асосчиси ва назариячиси Виктор Мари Гюго “Буюк одамларнинг ўзлари пойдевор қуришади. Келажак эса ҳайкал тиклайди” [1.420] дея ёзган эди. Ўзбек адабиётининг дарғаларидан бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон чуқур миллий руҳ, жўшқин лиризм, бетакрор образларга бой ҳикоялари билан ҳам ушбу жанр тараққиёти учун мустақам пойдевор яратиш кетди. Адиб ҳикоялари асосида миллатга муҳаббат, эрк ва ҳурриятга ташналик, мустамлакачилик сиёсатини қоралаш, инсон қалбининг нозик қатламларини санъаткорона ёритиш баралла балқиб туради. Адибнинг бизгача етиб келган ҳикоялари унчалик кўп эмас. 2012 йилда “Академнашр”да чоп этила бошлаган тўрт жилдлик адиб “Асарлар”ининг иккинчи жилдига унинг ўнта ҳикояси киритилган. Ундаги “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр”, “Ойдин кечаларда”, “Нонушта”, “Қор қўйнида лола”, “Клиўпатра”, “Сени кўп кўрмасун”, “Нонвой қиз”, “Тараққий”, “Оқпошшонинг инъоми” каби ҳикоялари миллий қиёфа ва урф-одатлари, миллий манзара ва калоритлари, бадиий деталларнинг миллий мазмун ва характерлар яратишга хизмат эттирилганлиги билан кўз олдимизда

миллатпарвар, эл-юрт учун жонини фидо этувчи адиб сиймосини намоён этади.

Чўлпон асарлари XX аср ўзбек ҳикоячилигининг халқчиллик ва миллийлик руҳи билан суғорилишида таъсир манбаи вазифасини бажарди. Таниқли маърифатпарвар Лазиз Азиззода “Адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан Ойбек, Уйғун, Қаҳҳор ва Шайхзодага ўхшаш шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларига қизиқишимизга Чўлпон, Фитрат, Жулқунбой, Хуршид, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Ғайратий, Элбек каби шоир ва муҳаррирларимизнинг асарлари биринчи бўлиб йўл очиб берди” [2.68], - деб ёзганида тўла ҳақлидир. Ойбек Чўлпон асарлари муносабати билан “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1927 йил 12 май сонидан Айн (Олим Шарафиддинов)га жавобан ёзган мақоласида “Чўлпон “янги адабиёт”да янги нарсалар яратди... Бугунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлар олади” [3.182], деб ёзган эди. Профессор Д.Қуронон “Адабиётимизда ижтимоий дардни Чўлпончалик шахсийлаштира олган шоирни топиш маҳол” [4.42] дея ёзаркан, ушбу ижтимоий дард миллатнинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий муаммолари билан боғлиқ эканини ҳам назарда тутди.

А.Сабирдинов – ФарДУ, филология фанлари доктори, доцент.
Д.Комилова – ФарДУ филология факультети ўзбек тили ўналиши
4-курс талабаси.

Чўлпон “Инқилоб”
журналининг 1922 йил 7- 8- кўшма

сонларида илк бора босилган “Ойдин кечаларда” ҳикоясида миллатнинг маиший турмуш тарзи билан боғлиқ муаммоларини миллий урф-одатлар тасвири фонида акс эттирар экан, уларнинг ижтимоий-сиёсий масалалари билан боғлиқ эканини ҳам назарда тутди. Унда қатор бадиий деталлар воситасида ўтган аср бошларидаги Туркистоннинг оғир манзаралари Чор мустамлакачиларининг оилавий ҳаётга таъовузи тасвири орқали жамият муаммоларига эътибор қаратади. Ҳикоя қуйидаги тасвир билан бошланади: “Зайнаб кампир бир нарсдан чўчиб уйғонди. Оппоқ ойдин, ой кампир ётқон сўричанинг қоқ ўртасидан унда-мунда, битта-яримта учраган оқ булутларни ёруб шошуб ўтуб борар эди.

Кампир у ёқ-бу ёғига яхшилаб қараб, ойдинда ҳеч бир қора-мора учратмагандан кейин яна болишга бошини қўйди.

“Уйқуси ўчуб” кетганликдан энди кўзига уйқу келмай ўз ёшига, ўз даврига муносуб бўлган хаёллар ичига кўмилди. Ул пилта сават, кўрпа қовуқ ипдан тортиб бу йил пилладан чиқатурғон ипаккача – “дунёнинг барча ғамини” ўйлаб олди.

Энди бироз уйқуси ҳам кела бошлаб, кўзлари секин-секин сузила, қўллар бўшашуб-бўшашуб чўзила кетдилар. Туни бўйи чопушиб, ҳурушуб, югурушуб чиққон итлар товуши секин-секин йироқлаша бошлади. Эшончанинг ҳовуз бўйидаги толларидан туруб ҳасрат ва қайғуларини ҳар кеча ўқийтурғон булбул бу кун жуда эрта тўхтади.

Гўристон ва мазорлардағина бўлатурғон чуқур бир жимжитлик” [5.290]. Мазкур манзара тасвири билан боғлиқ бадиий контраст келгусида ҳикояда рўй берадиган нохуш ҳолатга ўқувчини руҳан тайёрлаб беради. Кечага ҳусн бағишлаган ой, унга ҳол бўлиб югуриб юрган итлар, ҳасратини ўқийдиган булбулнинг ҳовлини эрта тарк этиши ҳамда ой, итлар, булбул детал – образлари билан боғлиқ ҳикоя тугуни Туркистон ҳаёти билан боғлиқ маиший, миллий муаммони ёритилишига хизмат қилади. Оддий бир оиланинг ойдин кечаларнинг биридаги манзараси чизгилари ҳикоя тугуни билан ана шу тарзда уйғунлашиб кетади. Оқшом қўйнидаги аёл кишининг ўксик йиғиси китобхон диққатини воқеликка тартади. Йиғлаётган шахс Зайнаб кампирнинг бир ярим ойлик келини экани

маълум бўлиши билан воқеалар ривожланиш босқичига киради. Профессор Н.Владимирова Чўлпон ҳикояларини “битмас туганмас бадиий қудрат мужассам топган қитъага менгза”гани ҳолда “Чўлпон ҳикояларининг бош қаҳрамони – кўпинча ожиз, бахтсиз, ўз-ўзини ҳимоя қила олмайдиган, фармонбардорликдан йироқ кишилар. Бироқ бу қаҳрамонлар табиат билан шу даражада бирикишиб кетган, шу даражада чамбарчас боғлиқ, унда акс этиб турибдики, гўё табиатнинг бирон кичик парчасида нафақат унинг ички маънавий дунёси, балки ҳаётининг табиий манбалари ҳам бор бўй-басти билан гавдаланаётгандек. Табиатда нимаики содир бўлаётган бўлса, у ё бу жисмоний ёки маънавий ҳаракатда – инсон тақдирида аксланиб туради. Пейзажнинг бундай бадиий вазифаси, кўплаб ҳодисаларининг инсон билан, аниқроғи, унинг тақдири билан ҳамоҳанглиги Чўлпон ҳикояларида табиат ҳодисаларига инсоний сифатларнинг ёпиштириб қўйилишидан иборат эмас, балки онгли ижодий хусусиятдир” [6.98] дея таъкидлайди. Дарҳақиқат, ҳикоя асосий қаҳрамони – янги келинчак, Зайнаб кампирнинг бу хонадонига келганига эндигина бир ярим ойдан ошган.

Маълум бўлишича, Зайнаб кампирнинг ўғли – янги куёв Қодиржон кечалари қайларгадир дайдиб чиқиб кетади. Зайнаб кампирнинг айтишича, Қодиржоннинг отаси ҳам шундоқ... Дайди йигитнинг ёш келинга кўнгилсизлигининг сабаби маълум бўлиши баробарида муаллифнинг ғоявий нияти ҳам ойдинлашади. Ярим кечаси маст ҳолатда кириб келган Қодиржон: - “Где, где моя Анна, моя Аннушка?” [7.330-331]– дея “гуп этиб обрезга” йиқилади. Ана шу тариқа ёзувчи кичик ҳикояда мустамлакачилар билан келган “Анна, Аннушка”лар нафақат жамиятни, балки жамиятнинг муҳим бўлаги бўлган оилани бузаётганлигини, ёш авлодни (улар ичида ёши каттаси ҳам бор) ахлоқан издан чиқариб, озодлик, истиқлол учун курашлардан йироқ тутиб келаётганини ўзига хос тарзда ифодалайди.

Мустамлакачиларнинг Туркистон халқларига нописанд муносабати “Машъала” журналининг 1934 йил 4-сонидан босилган “Оқпошшонинг инъоми” ҳикоясида ҳам ўзига хос тарзда ёритилади. Ҳикоя асосий қаҳрамони дурадгор уста Тўхташ пристаф маҳкамасининг мирзаси бўлган

пияниста Мулла Шамсиддиндан “Туркистон вилояти газети”даги чоп этилган эълон орқали бўлишини, унда Санкт-Петербургда оқпошшонинг ўзлари келиши ҳақидаги хабарни эшитади. Шамсиддин уста Тўхташдан виставка учун бирор буюм ясаб берса, ўзи почта орқали жўнатиб юборишга ваъда беради. Уста Тўхташ ясаган катта ёғоч ковуш Москвага жўнатилади. Уста Тўхташнинг фикрлаши ҳам ўтган аср бошларидаги Туркистоннинг аксарият аҳолиси савиясига мос. Ҳикоядаги ёғоч ковуш детали ҳам миллий маъно, ҳам ёзувчининг ҳикоядан кўзлаган ғоявий ниятини ифодалайди. Ҳикоя қахрамони “Оқпошшо кўради. Бу мамлакатдаги фуқароларнинг мунчалар йўғон оёқли бўлишидан қотиб-қотиб кулади. Эҳтимол, кийиб кўргиси келади. Кийиб кўради. Бир-икки қадам босар-босмас “тап” этиб йиқилади. Бир кулги беради... Шундан кейин инъом ковушнинг ўзидан ҳам катта бўлади”, деб ўйлайди. Аммо виставкага оқпошшо келмайди, бир сенаторни юборади. Шундай бўлса-да, уста Тўхташ “шоҳона инъом” билан тақдирланади.

Сенатор Москва губернатори қулоғига уста Тўхташга тегишли инъомни эшиттиради. “Шоҳона инъом”ни Москва губернатори Туркистон губернаторига, у эса ярим кечага яқин телефон билан иккинчи даҳа приставига эшиттиради. Бемаҳал уйқудан уйғотилиб, уста Тўхташнинг уйига юборилган Жамол миршаб уста эшигини синдиргудек таққилатиб янгиликни айтишдан олдин унинг чўнтагидаги бор пулни – олти тангани суюнчи тариқасида олади. Уста Тўхташга кўни-кўшнилари гувоҳлигида “Шоҳона инъом” – “хизматингиз оқпошшога жуда маъқул бўлиб, сизга “испасаба” айтиб юбордилар!” дея топширади. Ҳикоя воқеалари уста Тўхташнинг вилоят губернаторининг муовини олдига бориб қилган “исёни” – катта инъомни ўзига оғирлик қилаётганини билдириши, шундан сўнг икки юз сўм билан тақдирланиши

воқеаси билан яқунланади. Уста Тўхташ XX аср бошларидаги кўплаб Туркистонликлар сингари бу маблағни илм-маърифат учун эмас, балки катта иморат солиш ҳамда хотин устига хотин олишга сарфламоқчи бўлади. Шунингдек, Чор мустамлакачилари Туркистон халқлари саноатини ривожлантирмай, ишлаб чиқаришни қўл меҳнатига асосланган “кустар” ҳолатига олиб келган эдики, уста Тўхташнинг виставкага ёғоч ковушдан бошқа буюмни юборишига қурби етмаганидан беҳол кўринди.

Чўлпон ана шу тарзда ҳикояларида миллий қиёфа ва характерларни яратар экан, улар сажиясидаги давр, ижтимоий муҳит билан боғлиқ иллат ва қусурларни танқид остига олди. Ёзувчи ҳикояларидаги миллийлик қуйидагиларда кўзга ташланади:

1. Ҳар бир детал изчил тасвирийликни – миллий манзараларнинг яратилишига асос бўлади. Ушбу манзаралар даврнинг долзарб муаммоларининг таъсирчан ифодасига хизмат қилади.

2. Миллий характер ва қиёфалар табиат манзаралари билан уйғун ҳолда табиий, озодлик ва истиқлол ғоялари ифодаси талқинига хизмат қилади.

3. Қахрамонлар ва персонажлар талқинидаги миллийлик ва улар дунёқараш, фикрлаш тарзи, нутқи ва ҳолатлари тасвирида яққол кўзга ташланади.

4. Давр манзараларидаги миллий чизгилар эса реалистик мазмуни билан мустамлакачиликни қоралаш, эрк, озодлик, истиқлолни улуғлаш ғояларига хизмат қилади.

Хуллас, Чўлпон ҳикоялари бетакрор миллий характер ва қиёфалари, давр манзаралари ва урф-одатларининг реалистик талқини билан юксак бадиият касб этди. Кўплаб авлод ижодкорларига маҳорат мактаби вазифасини бажармоқда.

Адабиётлар:

1. Ҳақиқат манзаралари. // Француз юрист-адиблари. – Т.: Янги аср авлоди, 2013.
2. Лазиз Азиззода. Чўлпон ким эди? // Ёшлик. 1988. - № 10.
3. Ойбек. Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак // Шарқ юлдузи. – 1989. - № 6.
4. Қурононов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
5. Чўлпон. Асарлар. Тўрт жилдлик. Иккинчи жилд. – Т.: Akademnash, 2012.
6. Владимирова Н. Чўлпон – ҳикоянавис // Чўлпоннинг бадиий олами. – Т.: Фан, 1994.